

Термиз туманидаги маҳаллаларда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш борасидаги изчил ишлар давом этмоқда



Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров, вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи Эркин Нармановлар туманнинг “Муҳиддин Эштемиров” маҳалласида бўлиб, маҳалла ҳудудидаги ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Туман ҳокими маҳалла фаолларига маҳалладаги хонадонлар атрофларини тозалаш, кўча бўйларида бетартиб жойлаштирилган хўжалик буюмларини тартибга келтириш, маҳалла ҳудудидаги савдо дўконларида санитария талаблари асосида фаолият юритишлари бўйича топширқлар ва вазифалар юклатилди.

Шунингдек, маҳаллада ҳудудини ободонлаштириш, йўлларни тартибга келтириш ва кенгайтириш, аҳолидан коммунал ва солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб боришлари юзасидан ҳам тушунтириш бериб ўтилди.

Бугуннинг ўзидаёқ маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.